



O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана

Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 13 март • №10 (1291)

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгиланган эди.

Йиғилишда таъкидланганидек, юртимиз соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олишдан кўра уларни даволашга кўпроқ эътибор қаратилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилга кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида **тиббий таъминот 10 фоизни, ирсий омиллар 15 фоизни, атроф-муҳитнинг ҳолати 20 фоизни ташкил этади.** Энг муҳими, инсоннинг турмуш тарзи (жисмоний фаоллик, овқатланиш, зарарли одатлар) унинг саломатлигига 55 фоизгача таъсир кўрсатар экан. Шу сабабдан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик оғойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илгор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Аҳоли саломатлиги профилактикаси аввало қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак хасталиқларига, атмосферадаги радиация, озиқ-овқат маҳсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи қон-томир, юрак, эндокрин, асаб касалликларга сабаб бўлмоқда. Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ҳозирда жаҳон бўйлаб коронавирус инфекциясининг (COVID-19) тарқалиши юртимиз аҳолисини ҳам маълум маънода хавотирга солмоқда. Дунёда жамоат саломатлиги тизимини, гўёки, синовдан ўтказаятган ушбу хасталиқнинг Ўзбекистонга ки-



риб келмаслигини таъминлаш аввало мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими, профилактика ишларини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этади, деди давлатимиз раҳбари. Шу муносабат билан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик оғойишталик агентлигига бу борада кўрилатган карантин ва профилактика чоралари бўйича қўшимча топшириқлар берилди. Бундан, энг аввало, халқро тажриба асосида Санитария-эпидемиологик оғойишталик агентлигига Аҳоли соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш марказини бириктириб, Агентлик салоҳиятини ушбу вазифаларни самарали ташкил этишга қаратиш кераклиги таъкидланди. Агентликнинг вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарларда алоҳида марказлари ташкил этилади. Қишлоқ поликленикаларида бу ишларни самарали йўлга қўйиш учун унчагина мутахассислар ажратилади. Улар қишлоқ аҳолисини тўғри овқатланиш, гигиенага риоя қилиш,

онкологик, юрак қон-томир касалликларига мойил бўлганларни барвақт аниқлаш билан шугулланади. Қишлоқ врачлик пункт-

ҳозирги аҳоли бу ишларни ташкил этишга тайёр эмаслиги кўрсатиб ўтилди. **Овқатланиш, меҳнат, ўсмирлар гигиенаси билан**

раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди – хасталик омилларини таҳлил қилиб, даволоччи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади. Н.И.Пирогов номидаги Россия тиббиёт илмий-тадқиқот университети ҳамда Туркиянинг Баҳчешехир университети филиал ва клиникаларини очиб ишларини жадаллаштириш кераклиги қайд этилди. Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Масалан, **2018 йилда 24 мингтага яқин аниқланган хавфли ўсма касалликларининг 55 фоизи 3 ва 4-босқичда аниқланган.** Бу ҳар иккинчи беморнинг даволанишига умид йўқлигини аниқлатади. Шу муносабат билан, касалликларнинг олдини олишда содда, лекин замонавий ва самарали услубларни қўллаш, уларни жорий этиш кўламлини кенгайтириш лозимлиги айтиб ўтилди. Мисол учун, оддийгина вазн, бўй, бел айланаси, қон босимини ўлчаб, турмуш тарзини сўраб-суриштириб, инсонда инфаркт, инсулт, диабет, гипертония каби кўплаб касалликларни барвақт аниқлаш мумкин.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилмаган, дейишга асослар етарли. Мисол учун, уларнинг таркибида техник пальма мойининг ишлатилиши қатъиян таъқиқланган, лекин бунинг аниқлайдиган механизмлар йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, ушбу маҳсулот инсон организми учун фоят зарарли бўлиб, ҳаётини муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга онкологик касалликларга сабаб бўлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ў.А.

14-15 МАРТ

умумхалқ ҳашарида фаол қатнашайлик!

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, ўзро оқибат ва ҳамжихатлиқни янада кучайтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида ҳукумат фармойиши қабул қилинди. Фармойишга асосан 2020 йил 14-15 март кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Обод юрт” умумхалқ ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хайрия ҳашари ўтказилади.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга, ёлғиз қарияларга, пенсияерларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби тадбирларга сарфланган назарда тутилмоқда.

Кун мавзуси

БУ ЖАРАЁНДА АСОСИЙСИ ПРОФИЛАКТИКА ВА НАЗОРАТ

Жорий йилнинг 10 март куни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги инфекция – коронавирусга оид кўпчиликни қизиқтирган саволлар бўйича батафсил маълумот берилди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шадманов қуйдагиларни маълум қилди.

Алишер ШАДМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири:

– Коронавирус инфекциясининг Ўзбекистонга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бир қатор давлатларга авиа қатновлар тўхтатилди. Бундан ташқари, хориждан кириб келувчилар учун 14 кунлик карантин чоралари эълон қилинган. Бунинг учун Тошкент вилоятидаги «Энергетик» ва «Бўстон» санаторийлари ҳамда пойтахтимизда жойлашган 6-шифохонада бепул шароитлар яратилган. Шунингдек, инфекцияга қарши аниқ профилактика чоралари ва қарши вакцина йўқлиги сабаб, мутахассисларимиз хорижий давлатлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан кунлик мунтазам боғлиқ ахборот алмашиб турибди. Қолаверса, аэропортларда 11 та, вокзалларда 6 та ҳамда мамлакатимиз чегара постларида 37 та санитар-карантин пунктлари ташкил қилинган. Чунки, ташқаридан кириб келиш бор, бу эса эҳтиёткор-



лик. Буни тўғри тушуниш лозим. Мазкур жараёнда, энг муҳими, аҳолининг ўз саломатлигига нисбатан эътиборли бўлиши. Айтишим шартки, вирус инфекциясининг ҳозиргача маълум бўлган аломатлари – бу тана ҳароратининг кўтарилиши, йўтал, айниқса, қуруқ йўтал, нафас олишининг қийинлашиши ҳамда касаллик аниқланган ҳудудларда уларнинг бўлганликлари. Биздаги гумон чоралари ва текширувлар ана шу

4 та асос бўйича олиб борилмоқда. Айни пайтга қадар мамлакатимизда ушбу вирус қайд этилгани йўқ. Ҳозирги фаолиятларимиз эса коронавируснинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ўз ўрнида халқимизни ҳам ўз саломатлиги учун санитар-гигиена қоидаларига амал қилишга чақириб қоламиз.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ

Бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Хусусан, вазирлик мутахассислари кундалик тарзда қўшни мамлакатлар ҳамда касаллик аниқланган давлатларнинг мутахассислари билан боғлиқ туриши маълум қилинди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ушбу жараён фикр алмашиш ва кўрилиши лозим бўлган чораларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хамкорлик

СМС хабарлар
хуеуица:

Бу борада вазирликнинг ўзига ҳам тахликали муурожаатлар бўлиб турибди. Бирок, аҳолининг мобил телефонларига юборилаётган хабарлар мазмунига эътибор қаратсангиз улар факат фойдали тавсиялардан иборат. Халқимизда ўзининг эҳтиёт тут, деган нақл бор. Қолаверса, биз касалликни беркитаётганимиз йўқ, уни беркитишнинг иложи ҳам йўқ. Шундай экан, айнан телефон курилмангизга бораётган ушбу маълумотларга тахлика билан эмас, аҳоли саломатлиги химояси учун тавсия сифатида қаралишини истардик.

Тиббиёт
ниқоблари химоя
бўла оладими?

Тиббиёт хулосасига кўра тавсия этилади. Инфекциядан химояланиш учун тиббий ниқобларнинг, албатта, фойдаси бор. Бирок улар узок муддатлик эмас.

Давлатимиз демократия қарор топган мамлакат ҳисобланади. Шу боис, бу каби масалалар қонун доирасида кўриб чиқилади. Аммо сўнгги вақтларда аҳолининг айрим вакиллари томонидан баъзи бир масалаларга доир исботланмаган ахборотларни тарқатиш ҳолатлари тез-тез кўзга ташланмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизими мисолида ҳам. Шунинг учун бу борада вазирлик журналист ва блогерларни хамкорликка чақирилади ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

«Feyk» хабарлар:

Хасан АБДУГАНИЕВ ёзиб олди.

Жамоатчилик муҳокамаси

ЯНА БИР ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ КРЕДИТ-МОДУЛ ЎҚИТИШ ТИЗИМИГА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Олий ва ўрта махсус тиббиёт ва фармацевтика таълим муассасаларида кредит-модул ўқитиш тизимига асосланган ўқув жараёнини ташкил этиш ҳақида» қарор лойиҳаси эълон қилинди.

Маълум қилинишича, мазкур муассасада таълим олувчи белгиланган тартибда таълим олувчилар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими воситасида ва таълим муассасаси биноларининг электрон эълон тахталарида жойлаштирилган эълонлардан жорий, оралик ва якуний назорат иш натижаларини мустақил равишда билиб боришга мажбур.

Таълим олувчининг ижтимоий хусусиятларини баҳолаш уларнинг масъулияти ва ташкилийлигини ошириш, зарур билимларни чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштиришга туртки бериш, шунингдек, тизимли иш кўникмалари ва компетенцияларни шакллантириш мақсадида амалга оширилаётган ўқув жараёнининг ажралмас қисми сифатида қаралади. Таълим олувчиларнинг шахсий ижтимоий хусусиятларини баҳолаш педагог томонидан семестрда бир марта амалга оширилади.

Кредитлар тўплами ва таълим олувчиларни ўқитишнинг индивидуал йўналишларини ташкил қилиш:

– ўрта махсус профессионал таълим дипломини олиш учун таълим олувчи йўналишига ва ўқиш муддатига мувофиқ камида **180 гача кредит тўплаши** керак;

– бакалавр дипломини олиш учун бакалаврият талабаси таълим йўналишига ва ўқиш муддатига мувофиқ камида **180 дан 360 гача кредит тўплаши** керак;

– магистр дипломини олиш учун магистратура мутахассислиги ва ўқиш муддатига мувофиқ камида **144 дан кам бўлмаган кредит тўплаши** керак;

– клиник ординатор (резидент) сертификатини олиш учун мутахассислиги ва ўқиш муддатига мувофиқ камида **72 дан кам бўлмаган кредит тўплаши** керак;

Кредитлар сони таълим олувчиларнинг умумий юкломаси, жумладан ўқув юкломалари (маърузалар, семинарлар, назарий ва амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, ўқув ёки ўқув клиник ама-



лиёт, магистрлик диссертация ва бошқалар), мустақил ишлар, билимларни синовдан ўтказишнинг барча турлари, амалиёт ва битирувчиларнинг давлат имтиҳонларини дастлабки аккредитация билан ўтказиш (якуний давлат аттестация)нинг

барча турларини қамраб олади.

Ушбу қарор лойиҳаси юзасидан сизда ҳам тақлифлар бўлса электрон ёки ёзма равишда маълумотлар порталига юборишингиз мумкин.

Ў.А.

ЯНГИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Навий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 175 ўринга мўлжалланган бўлиб, 300 минг нафарга яқин 18 ёшгача бўлган болаларга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жорий йил январ ойида ушбу марказнинг асосий 5 қаватли биноси муккамал таъмирланди. Натижада бино бўлимлари қайта мослаштирилиб, хоналар кенгайтирилди. Бинонинг та-

шқи кўриниши ва худуди замонавий ҳолга келтирилди. Марказ жамоаси томонидан вилоятда биринчи марта болалар орасида қатор мураккаб жароҳлик ҳамда кўлаб юқори техноло-

гик даволаш амалиётлари татбиқ қилиниб, муттасил ўтказилиб келинаётгани ҳам диққатга сазовор.

Айтиш керакки, мазкур фаолиятлар мамлакатимизда аҳоли саломатлиги ва тиббиёт тизимига қаратилган эътиборнинг яна бир намунаси.

Ўз мухбиримиз.

Анжуман

КОРОНАВИРУС: КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ ИСИТМАСИ ОШКОР ҚИЛАДИ

Дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган янги вирус қанчалик таҳликали? Тарқалиш ўчоги деб Хитойнинг Ухан шаҳри баҳс этилаётган Коронавирус Ўзбекистонда тарқалишининг олдини олишга мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими тайёرمи? Бунинг учун амалда қандай чора-тадбирлар кўрилмақда? Бу борада халқаро экспертлар нима дейди?

Жорий йилнинг 10 март куни вазирлик томонидан ташкил этилган анжуманда аynи шу масалалар хусусида ба-тафсил маълумот берилди.



Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган анжуманда мамлакатимиздаги қатор дипломатик корпуслар, халқаро ташкилот вакиллари қатнашди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Алишер Шадманов кириш сўзи билан очиб, аввало, 10 март ҳолатига кўра мамлакатимизда мазкур касаллик-

бирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш туғрисидаги Фармойишига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир раҳбарлигида "Эпидемияга қарши кураш фавуолда комиссияси" тузилиб, унинг доирасидаги йиғилишларда ҳам бу борада кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар белгилаб берилганлигини таъкидла-

юртлари ва жамоат жойларида санитария талабларига қатъий риоя қилиш юзасидан масъуларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар бериб борилаётганлигини айтиб ўтди.

– Агар касаллик қайд этиладиган бўлса, дори воситаларининг захираси, шунингдек, профилактикаси бўйича имкониятларимиз етарли, – дейди Алишер Шадманов. – Энг муҳими, ҳар бир фуқаро нотўғри, ваҳимали маълумотларга ишонмаслиги, ўз эҳтиёт чораларини кўриши зарур. Бу касалликни биз беркитиётганимиз йўқ, уни беркитишнинг иложи ҳам йўқ. Зарурат бўлмаса, хорижга чиқмайлик, чеклайлик. Сиз соғлом бўлганингиз билан ёнингиздагилар ўз касалликларидан бе-хабар ҳолда юктириб қўйиши мумкин. Барча чеклов чораларини ошкор эълон қиляпмиз ва буни тўғри тушунишни сўраб эдик. Фуқароларимиз барча эҳтиёт чораларини кўрсалар, ишонманки, биз бу жангда голиб чиқамиз.

Халқаро эксперт ва мутахассислар бу борада нима дейди?

Коронавируснинг эпидемик ҳолати ва COVID-19нинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирда халқаро эксперт, айниқса, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мурожаати-га биноан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан мамлакатимизга ташрифи ташкил этилган халқаро эксперт – 40 йилдан зиёд фаолияти давомида дунёнинг кўплаб минтақаларида турли юқумли касалликларни ўрганиш ва олдини олиш борасида иш олиб борган олим, Америка Микробиология жамияти аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Михаил Фявровнинг анжуман доирасида берган маълумотлари корона-вирус ҳақидаги кўплаб муҳокамали ва мунозарали саволларга ойдинлик киритди.

Ушбу мутахассис папилома вируси, вабо, грипп, пневмо-



ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лиан Куппенс ЖССТ Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда корона-вирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасида ишлаётгани, вазирлик ва идоралар билан ахборотлар алмашинуви йўлга қўйилгани, энг муҳими, Ўзбекистон ЖССТнинг барча тавсияларини бажараётганини эътироф этди.

Мазкур анжуманда маълум қилинганидек, аynи пайтда мамлакатимизда корона-вируснинг кириб келиши олдини олиш мақсадида:

профилактика ва назорат чораларини кучайтириш мақсади-

аро талаб ва мезонлар асосида фаолият кўрсатмоқда;

ушбу пунктларда бошқа тармок ходимлари қаторида 250 нафардан зиёд юқори ма-лакали санитария-эпидемиология хизмати мутахассислари иш олиб бормоқда;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология оқсийталиги агентлиги ҳузурида 24 соат давомида узлуксиз фаолият кўрсатуви махсус штаб ташкил қилинган;

халқаро талаб ва тавсияларга мувофиқ, корона-вирус инфекцияси бўйича аҳолининг эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш бўйича профилактика ва назорат

Лиан КУППЕНС, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

– ЖССТ ёрдами билан Германиядан корона-вирус инфекциясини аниқловчи тест-системалар олиб келинган. Бундан ташқари, яна тест системалар олиб келиш ва уларнинг захирасини яратиш бўйича келишувлар амалга оширилмоқда. Вирусологлар учун лаборатор таҳлилларни олиб бориш бўйича тренинглар ҳам ташкил қилинмоқда.



нинг қайд этилмаганлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг касалликни мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш учун амалда қилинаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берди. Жумладан, аynи пайтга қадар давлат чегараларида 53 та санитария-карантин пунктлари ташкил қилиниб, уларга кўшимча врачлар, тепловизор ва контактсиз термометр ва шахсий ҳимоя воситалари ажратилгани, шунингдек, жорий йилнинг 15 январидан бугунга қадар республика бўйича тиббий кузатувга олинган фуқаролардан 5 минг нафарга яқини кузатувдан чиқарилгани, 1 542 нафар фуқарода тиббий кузатув ҳанузгача давом эттириляётганлиги, қолаверса, лаборатория таҳлилларига кўра ҳозиргача Хитой ва корона-вирус қайд этилган бошқа давлатлардан келган фуқаролардан олинган биологик намуналарда вирус аниқланмаганлигини маълум қилди. Бундан ташқари, мазкур масалага давлат даражаси микёсида эътибор қаратиляётганлиги, хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 29 январиди қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида корона-вируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тад-

ди. Уларда мамлакатимиздаги барча ҳаво ва темир йўлларида ташкил қилинган санитария-карантин пунктлари, ҳудудларда тузилган штаблар фаолиятини бугунги кун талабидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш, маҳмонхоналар ва корхоналар, маҳалла, ички ишлар органлари

НАЗОРАТ

Президентимиз томонидан мавзуга оид "Ўзбекистон Республикасида корона-вируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш туғрисида"ги Фармойиш қабул қилинди.

Давлат чегараларида 53 та санитария-карантин пунктлари фаолият юритмоқда.

Қатор давлат мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш йўлга қўйилган.

ПРОФИЛАКТИКА

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мобиль телефонлар орқали зарурий тавсиялар бериб борилмақда.

Уларда, мазкур инфекциядан ҳимояланиш бўйича зарурий маълумот ва тавсиялар маълум қилинмоқда.

Жойлардаги тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилмақда.

Ҳудудлардаги барча юқумли касалликлар шифохонасида фавуолтада ҳолатлар учун зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Михаил ФАВОРОВ, Халқаро вакцина институти бош директорининг ўринбосари, Америка микробиология уюмаси аъзоси, профессор:

– Ўзбекистонда тиббий менежмент яхши йўлга қўйилибди. Пойтахтнинг ўзида 40 та бокс хоналар тайёрлангани эса ҳали корона-вирус аниқланмаган давлат учун яхши кўрсаткич. Бирок, шундай бўлса-да чора-тадбирларни янада кучайтириш лозим. Айниқса, аҳоли ўртасида тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўзбекистон учун касалликка қарши эмас, унинг олдини олиш учун курашиш маъмулроқ.



да мактабгача таълим, халқ таълими, олий ва ўрта-махсус таълими каби қатор вазирлик ва идоралари билан қўшма қарорлар қабул қилинди;

давлат чегараларида санитария-карантин пунктлари халқ-

тадбирлари амалга оширилмоқда;

корона-вирус инфекцияси бўйича дунё ва Ўзбекистондаги ҳолатлар халқаро мутахассислар иштирокида ўрганилмақда;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги бош штаб мутахассислари билан биргаликда мамлакатимизга корона-вируснинг кириб келиш ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ушбу соҳада ихтисослашган тиббиёт муассасаларидаги тиббиёт ходимларига тегишли маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Алоҳида маълумот: Шунингдек, вазир юрти-мизда ЖССТнинг тавсиясига кўра, касаллик қайд этилган давлат сифатида халқаро тадбирларни ўтказиш чеклаганлиги, аммо ўзимизнинг ички оммавий тадбирларни, спорт мусабакаларини, концертларни чеклашга эҳтиёж йўқлигини таъкидлади.

билан мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уларга давлат томонидан қўйилаётган талаб, тавсияларни ўз вақтида етказиш, тиббий-патронаж хизмати-ни янада яхшилаш, мактабгача таълим, ўрта мактаб, олий ўқув

кокс ва менингокок каби қатор оғир турдаги юқумли инфекцияларнинг олдини олиш, профилактикаси, ташхиси ва уни замонавий давовлаш усулларини қўллаш борасида катта тажрибага эга танқили мутахассис

Анжуман сўнгида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари томонидан вазирлик ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик корона-вируснинг мамлакатимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишда ҳамкорликка чақирилди.

Ҳасан АБДУҒАНИЕВ тайёрлади.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги олдида

БУЮК ЖАСОРАТ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

Фашизм устидан қозонилган ғалабада халқимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уруш арафасида Ўзбекистонда **6,5 миллион аҳоли** яшаган бўлса, шундан **1 миллион 500 мингдан зиёди** фронтга сафарбар этилган.

Уруш йилларида Ўзбекистонга 1 миллион киши турли ҳудудлардан эвакуация қилинган бўлса, уларнинг 200 минг нафарини болалар ташкил этган эди.

Иккинчи жаҳон уруши халқимиз бошига ҳам қора кунларни солди. Ҳамюртларимиз инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли урушда мардларча жанг қилди, қанчадан-қанчаси оловли жанггоҳларда ҳалок бўлди, қанчаси юртимизга ярадор, ногирон бўлиб қайтди. Кўплаб болалар етим қолди. Юртимиз аҳолиси очарчилик, йўқчиликдан қаттиқ азоб чекди. Бироқ шундай қийин давларда ҳам халқимизнинг қадди бүкилмади. Қийинчиликка бардош берди.

Ана шундай оғир давларда айрим ўзбек оилалари турли миллатга мансуб болаларни ўз бағрига қабул қилиб, етимларнинг бошини силади, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди. Бу халқимиз томонидан кўрсатилган буюқ жасорат, инсонийлик ва бағрикенгликнинг чинакам намунаси эди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистонга Россия, Украина, Беларусь ва бошқа республикалардан минглаб аҳоли кўчириб келинган. Архив жамғармаларида сақланган ҳужжатларда уруш йилларида Тошкент шаҳрига 30 дан ортиқ турли миллат вакиллари кўчириб келтирилганлиги қайд этилган. Чунинчи, 1941 йил сентябрь – 1942 йил август ойлари оралигида пойтахтимизга жўнатилганлар сони 76 943 кишини ташкил қилган.

Жумладан, 1942 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳри 16 – 59 ёшлардаги 12 минг 71 нафар эркек, 24 минг нафар аёл, 7 минг 500 га яқин ёш болалар, 6 минг 583 нафар ўсмирни ўз бағрига олган. Шулардан 13 минг 126 нафарни шў билан таъминлаб, 4 минг 600 кишига 138 минг рубллик моддий ёрдам кўрсатилган. Уларнинг ҳаммаси уй-жой, озиқ-овқат билан таъминланган. 1941 йил декабрдан – 1942 йил 17 ноябргача Тошкентга кўчирилган 33 минг 348 нафар аҳолига яшаш учун 349 444 м² жой ажратилгани маълум.

Шаҳар архивида 1942 йил январда минглаб ёш болалар Тошкент шаҳрига кўчириб келтирилиб, Мехрибонлик уйларига жойлаштирилганлиги, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланганлиги тўғрисидаги материаллар сақланмоқ-

да. Ўша йилнинг 2 январиди ўтказилган хотин-қизлар йиғилишида минглаб аёллар қатнашган. "Ўзбекистонда бошпанасиз, оналик меҳри ва эътиборидан бебахра қолган бирорта ҳам бола бўлмаслиги керак!", деган шior остида ўзбек аёллари кўплаб ёш болаларни ўз қарамоғига олган.

Архивда, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ таълими бўлимининг вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ҳимоялаш ва етим болаларни қарамоққа олиш бўйича мажлис қарорлари сақланади. 1941 йил 3 декабрдаги 102-қарор ҳужжатида қайд этилишича, тикуччилик фабрикаси ишчиси В. Рейнбойм Исак (15 ёш), Яков (13 ёш) ва Мария (11 ёш) исмли болаларни ўз тарбиясига олиб, ўз фарзандлари билан бирга 6 нафар болани вояга етказган.

Шунингдек, Октябрь райони, Жараиқ кўчаси, 138-уйда исти-

болаларни ўз фарзандларидек тарбиялаб, келажакда имкони борича яхши ота-она бўлиш мажбуриятини бўйнига олганлар.

Умуман, Шомаҳмудовлар уруш йилларида етим ва қаровсиз қолган жами 13 болани ва урушдан сўнг ана 3 болани тарбиялаб, вояга етказган. Улар орасида рус, беларусь, молдован, украин, латиш, қозок, татар, чуваш, яхудий, ўзбек болалари бўлган. Шомаҳмудовлар болаларни меҳр-муҳаббат билан тарбиялаб, ўқитганлар. Айтиш жоизки, Шомаҳмудовлар оиласи инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган оила сифатида тарихда қолди.

Шунингдек, архив жамғармаларида кўчириб келтирилганларнинг бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳужжатлар ҳам мавжуд. Кўчириш бўлимига Ўзбекистондаги қорхона ва муассасалардан мутахассис кадрлар зарурати



Бу факт!

Манбаларда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари кенгашининг 1943 йил 3 мартдаги қарори ижросига кўра, эвакуация қилинган аҳолига 300 минг рублга тенг моддий ёрдам маблағи ажратилганлиги ҳақида маълум қилинган.

қомат қилган темирчи Шоаҳмат Шомаҳмудов ва унинг рафикаси Баҳрихон Акромова (Шомаҳмудова)нинг 1942 йил 14 июлда Вояга етмаганларни ижтимоий-хуқуқий ҳимоя қилувчи бўлини (СПОН)га ёзган аризасида мазкур оила болалар уйдан тўрт нафар болани фарзандликка олганликлари қайд этилиб, Тошкент шаҳар ёш болалар уйдан 1941 йилда туғилган бир ёшлик Владимирни ҳам фарзандликка олиш истаги баён қилинган. Улар

ҳақидаги сўровномалар юборилган. Уларга асосан, кўчириб келтирилган фуқароларнинг мутахассисликлари ўрганилиб, улар иш билан таъминланган.

Москва, Ленинград, Одесса, Кировоград каби шаҳарлардан келган фуқароларнинг Тошкентга доимий рўйхатга қўйиш борасидаги аризалари ҳам қаноатлантирилган.

Манбаларда Ўзбекистон ССР Халқ комиссарлари кенгашининг 1943 йил 3 мартдаги қаро-



Инсонпарварлик намунаси

... Баҳри опа ва Шоаҳмад ака Улуғ Ватан уруши йилларида ота-онасиз қолган 16 нафар болани тарбиялаб вояга етказдилар: ўзбек, рус, татар, яхудий, чуваш, молдован... Уларнинг бирортасини ҳам Баҳри хола дунёга келтирмаган бўлса-да, барчаси уни ўз онаси, ўзбек тилини эса она тили деб ҳурматлаб ўсиб вояга етдилар...

ри ижросига кўра, эвакуация қилинган аҳолига 300 минг рублга тенг моддий ёрдам маблағи ажратилганлиги ҳақида маълум қилинган.

Архивдаги ҳужжатлардан бирида 1943-1944 йилларда Ленинград шаҳри ва Ленинград вилоятидан эвакуация қилинган фуқароларнинг рўйхати ўз аксини топган. Рўйхатда ишчи ва хизматчилар ҳақидаги асосий маълумотлар қайд этилган. Шунингдек, архив жамғармаларида мазкур йилларда Россиянинг бошқа турли шаҳарларидан кўчириб келтирилган 2 минг 335 фуқаронинг рўйхати ҳам мавжуд.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Халқ комиссарлари кенгашининг қарорлари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раисининг маърузалари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оила аъзолари билан ёзишган хатларида немиш босқинчиларига қарши бир жону бир тан бўлиб қаршилик зарба бериш учун рус, украин, беларусь, ўзбек, грузин, яхудий, қозок ва туркманлар бирлашиб, оёққа турганликлари, турли миллат вакиллари ҳамжихат бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ёритилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, вақт ўтиб боргани сари Иккинчи жаҳон уруши йилларида чинакам инсонийлик намунасини кўрсатган юртдошларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси қадри ортиб бораверади. Халқимиз уларнинг тинчлик йўлидаги буюқ жасоратини асло унутмайди.

Машхураҳон ДАРМОҢОВА,
ЎзРФА Тарих институти
катта илмий ходими.

УРУШ ҲАҚИДАГИ ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

– Гарчанд бу ўта машъум урушда душманлар мақсадга эриша олмаган бўлсаларда, бутун инсониятнинг қалбига битмас жароҳат солиб кетди. Бутун миллат бошига тушган бу офат ўзбекистонликлар хонадонига ҳам кунфат, ғам ва айрилиқ келтирди. Хали хануз халқимиз, кекса авлод вакиллари уруш даҳшатларини унутгани йўқ. Профессор Ҳамид Зиёев келтирган манбаларга кўра, уруш йиллари мамлакатимиз аҳолиси фронтга отланган жангчиларни моддий ва

маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ҳам иссиқ кийим, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берган. Жанг майдонларида аскарларни руҳан қўллаб-қувватлаган, санъаткорларимиз чиқишларини алоҳида ёдга оламиз.

Урушнинг тўрт йилли давомида Ўзбекистон давлатга 4 806 000 тонна пахта, 54067 тонна пилла, кўплаб тонна ғалла, 195 000 тонна шоли, 108 000 тонна қартошқа, 374 000 тонна сабзавот ва ҳўл мева, 35289 тонна қуруқ мева, 57444 тонна узум, 1 593 000

тонна гўшт, 5 286 000 дон тери топширгани маълум. Улар ҳам мудофаа эҳтиёжларига сарфланган, албатта. Бундан ташқари, уруш йилларида Ўзбекистон аҳолиси мудофаа жамғармасига жами 649 900 000 сўм нақд пул ўтказиб берган.

Ўзбек халқи харбий хизматчиларнинг оилаларига ҳам катта ёрдам берган. Чунинчи, 1943 йили уларга 13 858 500 сўм пул, 20750 та кийим-бош, 40 000 кубометр ёқилги, 73 500 пул ғалла, 10 000 бош қўй, 2000 бош қорамол топширил-

ган, 350 та уй қуриб берилган. Шунингдек, ўзбек халқи Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларга бошпана бериб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатди. Жанг бўлаётган ҳудудлардан кўчирилган бир миллион эркек-хотин ва бола бошпана, кийим-бош ва озиқ-овқат билан таъминланди, 200 минг етим боланинг талай қисмини ўзбек оилалари ўз қарамоғига олдилар. 1943-1944 йилларда озод қилинган ерларга Ўзбеки-

тондан 13 000 дан ортиқ темирйўл мутахассиси, ҳунар билим юртлирдан 15 000 нафар ёш йигит солиқ Ленинград, Киев ва Дунайга йўл олди. Ўзбек халқининг озод қилинган жойларга кўрсатган ёрдами аслида сероб, – деб ёздади профессор Ҳамид Зиёев.

Бу тарих саҳифалари қанчалик аянчли бўлмасин, унда халқимизнинг садоқат ва меҳру оқибат тимсолини яққол кўраемиз.

Маҳмуд АЛИЁР.

САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ ФАРИШТАСИ

Ойи, мана бу рўмолингиз чиройлироқ экан, шунисини ўраттириб қўяйми, ёки бунисиними... мана, мана шуниси сизга кўпроқ ярашяпти. Устингиз юпқа эмасми... Иссиқроқ камзулингизни кийволасми. Ҳозир меҳмонлар келиб қолишади... кулай ўтириб олишингиз керак... Чамаси 50 ёшлар атрофидаги Шўхрат ака 100 ёшли онаси Стара аяни меҳмонхонага олиб ўтди.

Ваниҳоят, кўча эшик кўнги-роғи жиринглаб, мўъжазгина ҳовлига Тошкент тиббиёт академияси ректори бошчилигида академик олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат бир гуруҳ меҳмонлар кириб келишди.

Стара Шоюсупова номи Тошкент Тиббиёт Академияси тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Урушдан кейинги энг мураккаб вазиятда болалар касалликлари соҳасида илм излаб, янгиликлар ярата олган олима, ўзбек шифокор аёллари сафининг энг олдинги қаторида туриб, дунёнинг бир неча давлатларида ўтган нуфузли анжуманларда илмий маърузалар қилган ажойиб нотик, 30 дан зиёд рисола ва очерклар билан тиббиёт соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган шифокор-педиатр бу йилги баҳорни юз билан юзлашиб эсон омонликда қарши олмакда.

Тошкент шаҳридаги 5-марказий кўчада жойлашган 148 хонадонда тарихийликка дахлдор кичик воқелик содир бўлди.

Ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб тиббиёт илми ривожига муносиб ҳисса қўшган педиатр, Тошкент Тиббиёт Академияси болалар касалликлари кафедраси доценти Стара Шоюсуповага Соғлиқни сақлаш вазирининг махсус буйруғи билан "Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони топширилди.

— Онамнинг энг кенжа ўғлиман, — дейди Шўхрат Исмоилов. — Икки акам анча кексайиб қолишган. Онамни ростдан ҳам ҳеч кимга ишонмайман ва жуда яхши кўраман. У билан гаплашиш, илм маърифат борасида соғлом баҳса қилишиш, айниқса шажарамиз ҳақидаги узоқ тарихий хотираларни эслаш мен учун мароқли. Баъзилар юз ёшли одамларнинг хотираси анча шикастланган бўлади, деб ўйлашади. Бўлса бордир. Лекин, онам тирик энциклопедияга ўхшайди. У билан зерикмайсиз. Мен шундай инсоннинг ўғли эканлигимдан фахрланаман. Дадам билан онамнинг оила билан илм машаққатини биргаликда тортиб, бизни ўзлари сингари тиббиёт соҳасига қизиқтира олганликларига минг бор ташаккур айтаман.

Шўхрат Исмоилов, Стара Шоюсупова ва Тошкент тиббиёт академиясининг фахрий профессори Мариф Исмоиловларнинг кенжа фарзанди. Ота онаси изидан бориб шифокорлик касбини танлаган Шўхрат ака тиббиётдаги энг мураккаб соҳалардан бири Генетика йўналишида Москвада тахсил олган. Ҳозир унинг вақтинча уйда ишиси ўтириши учун катта бир сабаб бор. Кичиккина жуссали, баъзида инжик, лекин меҳрибон онасини уйда ёлғиз



қолдирилмайди. Юз ёшни қоралаб қолган волидасини бегоналарга ишонмайди. Қолаверса, умри тиббиёт илмида чархланиб шу табарруқ ёшга етиб келган онасининг ганиматли суҳбатлари, бутун бошли врачлар сулоласи ҳаётига оид шажараси тарихидан иборат ҳаётий ҳикояларини сотатлаб тинглашдан баҳра олади. Бутун умрини илмнинг машаққатларидан ортиб 3 ўғил фарзанд тарбияси шу зиёли оилага бахшида эта олган ягона аёл олдидаги шарафли бурчини оз бўлсада оқлаётганидан таскин топади.

— Бугун ўлкамизда аёллар



Архивдан

байрами кенг нишонланаётган шу муборак лаҳзаларда менга чекимга шарафли бир вазифа топширилганидан миннатдор бўлдим, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Тўйчиев. — Ҳозиргина илмий жамоамиз ва талаба ёшлар билан академиянинг фахрий доценти, минглаб врач педиатрлар ҳавас қиладиган, фидоий инсон, мухтарам аёл шифокор 100 ёшида ҳам тиббиётни, ўз касбини севишдан бир нафас чекинмаган онахонга Президентимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон шифокорлари номидан байрам табриклари ва тўқфаларини топширдим. Бугун Стара Шоюсупова Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси деган муносиб эътироф соҳибаси бўлди... Онахон билан суҳбатимиз, жуда мароқли ва қизиқарли кечди. Шу ёшида ҳам академия тарихига оид ҳар бир сана ва бўлиб ўтган муҳим воқеликлар тўғрисида адашмасдан, қизиқарли сўзлаб бераётган Устознинг тўран фикрлаши, муҳими ҳалигача ўз танлаган касбига

бўлган чексиз садоқати бизда катта таассурот уйғотди. Бугун тиббиётнинг ижтимоий ҳаёти-миздаги ўрни ва аҳамиятига янги-ча назар ва масъуляти ёндашув билан қаралаётган бир пайтда, Стара Шоюсупова сингари илм излаб, ўрганганларини ёшларга ўргатишдан чарчамаган фахрий устозларимиз ибрати биз учун катта мактабдир.

Стара Шоюсупованинг меҳнат фаолияти иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларга тўғри келган.

Тошкент Тиббиёт академияси проректори Турдикул Бобо-жоневнинг қайд этишича, 1941-1945 йиллар уруш даврида институт майдонида 10 дан ортиқ эвакуогоспиталлар очилган ва айрим профессор-ўқитувчилар фронтга жўнаб кетишган. Улар орасида Д.Введенский, Л.Василенко, А.Геллер, Б.Стекольников ва бошқалар бор эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкент Давлат тиббиёт институтида 2122 нафар врач тайёрланган бўлса, улардан 1630 таси фронтга кет-



ган. Улар орасида М.Ашрапова, М.Мухаррамова, С.Файзиев, Н.Ахмедов, М.Акмалов, У.Умаров, В.Карухина, Л.Васковская, Л.Стургацкая, С.Допимов, Ф.Амиров, Н.Махсумов, Н.Канбулин ва бошқалар бор эди. Урушдан кейин институтда ўқиш 6 йил қилиб белгиланган. Бу даврга келиб профессор-ўқитувчилар томонидан янги ўқув дастурлари яратилган. Институт янги махсус тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

1945-1946 йилларда факультетларда жами 2752 нафар талаба тахсил олган бўлса, шулардан 600 нафари институтга янги қабул қилинган 1 курс талабалари эди. Институтда дар-

шига ҳам оиладаги муҳит сабабчи бўлгандир. Кўз ўнгимда нуқул катта опамнинг хаста чехраси намоен бўлади. Еш бўлишимга қарамай мен уни яхши парваришлардим. Онам тез-тез касал бўларди. Укамни бешикдан ечиб олиш, ревматизмдан азият чекаётган касал опамга ўз вақтида дориларини бериш, яна уй юмушлари... ҳаммасига улгуришга ҳаракат қилардим. Мактабда баҳола-римнинг баъзида 3,4 га тушиб қолишига балки шу жонсараклигим сабаб бўлгандир. Бир кун синф раҳбарим сен доктор бўласан, табиатинг шунақа. Сен касалларни яхши кўрасан. Одамларга ғамхўрсан, бироқ унутма, врач бўлиш учун жуда кўп ўқиш керак деб қаттиқ танбех берди. Шу бўлди, ю қўлимдан китоб тушмай қолди. Тунов кунни тегишорда Президентимиз кўп китоб ўқиган бир қизалоққа машина совға қилганини эшитиб қолдим. Қўзимдан ёш чикиб кетди. Мана китоб жавонимни кўрапсизми, агар бугунги Президентимиз менинг давримда бўлганида борми, менга самолёт берарми...

Инсон неча ёшга кирсаям, ҳаваси бўлгани яхшийдир. Шу ёшимда ёшларга жуда ҳавас қиламан. Уларнинг орзулари ҳам бир кун албатта рўёбга чиқади. Чунки, бу юртда илм кадрланипти, аёл истаклари рўёбга чиқапти. Ёшларга бағрини очиб, улар учун кенг имконият эшикларини очиб берадиган ишончли тизим ишлаяпти. Мен бир пайтлар шундай кунларни орзу қилиб, бугун ўша ниятларимнинг рўёбини кўриб турганимга минг бора шўқроналар айтаётганимдан хурсандман. Ниятним, илм билан ақл билан бошланган эзгу ишлар ҳар бир хонадонга фойз олиб кирсин, дейди Стара Шоюсупова.

Унинг тиббиёт соҳасидаги садоқатли меҳнати, болалар касалликлари йўналишида эришган ютуқлари Тошкент Тиббиёт Академияси ташкил этилган дастлабки йиллардаги илмий педагогик фаолияти, қолаверса иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг мураккаб вазиятда одамлар саломатлиги йўлида кўрсатган жасоратли хизматлари, хусусан мамлакатимиз тиббиёт соҳаси учун ёш мутахассис кадрларни тайёрлашдаги ташаббуслари байрам арафасида яна бир бор эътироф этилди. Стара аянинг кўзлари мўъжаз хонасини тўлдирган баҳор гуллари тароватидан яшнаб кетди.

Педиатр Стара Шоюсупованинг энг қизгин меҳнат фаолияти ана шу йиллар синовида чархланди.

— Кўп фарзандли оилада туғилиб вояга етдим, — деб, хотиралардан гап бошлади Стара Шоюсупова. — Уйда 11 нафар фарзанд эдик. Болагимни эсласам, баъзида йиғлагим келади. Балки, болалар врач бўлиш истагининг пайдо бўли-

Ўзбекистонда тиббиёт илмининг мустақам пойдевори яратилаётган энг қизгин паллада аёл боши билан оила ва жамиятдаги ўрнини юрагининг туб тубидан ҳис этган шифокор, орденатра тахсилни Москвада давом эттириб, эгаллаган илмини шу юрт одамлари саломатлиги йўлида сарфлашни ўзи учун катта масъулият деб билган. Стара Шоюсупованинг узоқ йиллик педагогик фаолияти ёшлар учун ибратдир. Биз ҳам унинг тарихий хикояларини тинглаб экан-миз, ҳақиқий шифокорда чуқур анотомик илмдан ташқари одамларни яхши кўриш, беморига ғамхўрлик кўрсатишни ҳар қандай амалиётнинг ўзаги деб билмиздек, бағрикенглик хислатлари ҳамиша устун бўлиши керак деган хулосага келдик.

Гулчехра МИРЗАЕВА.

Жасорат унутилмайди

МАТОНАТЛИ ХАЛОСКОР ВА МИЛЛАТИМИЗ ҒУРУРИ

Архив ҳужжатларида



Қабилмдаги ёши саксонлардан ошган, юзпешоналари серажин, аммо кўз қарашлари жиддий, хотираси ўткир отахон билан суҳбатлашиб ўтирар эканман, у қалин папкасидаги қоғозлардан бирини олиб менга узатди. Бу ҳужжатда куйидаги жумлалар битилган эди:

Немис-фашистар армияси ичкарасида фашистларнинг қамок лагеридан сақланган тутқунлардан 360 кишини озод этишда мардлик ва жасорат кўрсатгани учун Брянск, Чернигов ва Гомель вилоятлари ўрмонларида фаолият кўрсатган "ВПЕРЁД" халқ қасоскорлари отрядининг яширин алоқачиси доктор Махмудов Ёқуб Хўжаевичга ташаккурнома берилиб, юскак давлат мукофоти — Қизил Юлдуз орденига тавсия этилсин.

Генерал-майор Нанеко"

Буйруқ № 216.

1944 йил. 26 апрель. Харақатдаги армия.

Менинг кўзим расмий ҳужжатда, унинг хаёли олис-олисларда эди.

— 1936 йили Иваново — Вознесенскдаги тиббиёт институтининг имтиёзли тугатиб. Ўзбекистонга қайтдим, — ўтган воқеаларни кўз олдига келтира бошлади суҳбатдошим, — Фаргона водийсида, Чимён туман касалхонасида бош врач бўлиб ишлай бошладим. Ҳам ташкилотчилик, ҳам жаррохлик билан шуғулланиб, кун-туним қандай ўтганлиги, чарчаш нималигини билмасдим. Бир волеги сира эсимдан чиқмайди: Бир кунги ҳамшира олдимга ҳовлиқиб кириб қолди. "Дўхтир! Касалхона ҳовлисидан ер остидан сув фонтан бўлиб отилиб чиқаряпти!"

Сувни дарҳол шиша идишларга солиб, текширишга юбордик. Кўп ўтмай унинг шифобахш минерал сув эканлиги ҳақида жавоб олдик. Шундай сув исроф бўлмасин деб, бўш пакир, тоғораларни тўлдирдик, ундан бод касаллигига чалинган беморларни даволашда фойдалана бошладик. Натيجаси ижобий эди, тез орада эл-юрт назарига тушдик. Катта режаларни мўлжаллаб турганимизда мени ҳарбий хизматга чақириб қолдишди.

Шундай қилиб, Ёқуб Хўжаевич Махмудов 322-пиёдалар полкининг аввал қимчи, кейин катта врач қавомида хизмат қила бошлади. Бу орада ўтасдан уруш бошланиб қолди. Унинг қисми 1941 йилнинг 26 июлида 194-ўқчи дивизия таркибидан Жанубий фронтга келиб қўшилиб. Бу ерда аёвсиз жанглар давом этарди. Сухиничи ақинидаги Тихонов Поустини райони ҳудудидан бўлган шиддатли жанглар пайтида жаррохлик вазифасини ўтаётган Ёқуб Махмудов душман ўқидан оғир ярдор бўлиб, ҳарбий-дала госпиталига келтирилди. Лекин бу ерга бостириб кирган душман газандалари бир қанча ярдор ва бемор жангчиларимизни асирликка олишди. Юра олмайдиған, ёрдамга муҳтож бўлганларни госпитал ховлисига олиб чиқиб, шартта-шартта отиб ташлашди. Юра олмайдиған, энгилелпи кийинган ночор ярдорларни эса, қатор-қатор қилиб, мол ҳайдагандек номаълум томонга бошлаб кетишди. Анчиқ изғирин, қархотон совуқда тизза бўйи қор кечиб, узоқ йўл босган маҳбуслар 1941 йилнинг 31 декабрида оч, юпун аҳволда Брянск остонасидаги Клинди қамок лагери дарвозаси олдига келиб тўхташди. Қамокхона ичи тўла бўлганидан янги келганларни қабул қилиш имкони йўқ. Шу боис улар дар-

мўғул бўлиб қолди.

— Асирлар билан ҳайвончалик ҳам муомала қилишмасди, итваччалар! — деган эди Ёқуб ота, — кунига бир марта шилдир шўрва ёки атала беришарди. Ҳар кунги эти устихонига ёпишган ўнлаб маҳбуслар ҳаётдан кўз юмишарди. Бунинг устига 10 январдан бошлаб қамокхонада ичбуруғ, ич терлама каби юкумли касалликлар авж олиб кетди. Қамокхона ходимлари ва комендант ҳаммани майдонга тўлаб, ўзларининг қарорларини руй-рост айтишди:

— Сиз тўнғизларни бизнинг врачларимиз даволаш тугул, яқинларингга ҳам боришмайди. Шаҳарда ҳарбий гарнизонимиз бор, уларга қўйиши мумкин. Шунинг учун ораларингизда врач-



Архивдан

воза олдидан навбат кутиб бир кеча-кундуз қолиб, не-не азобларни тортишмади. Суяк-суякларидан ачиқ совуқ ўтаётган шундай дамларда ҳам улар эртанги кун ва яшаш умиди билан нафас олиб, тўхтовсиз оёқларини таппиллатишар, қулоқ, бурун, юзларини уқалашар, бир-бирларининг пинжиларига кириб, секин-секин ўзаро пичирлашарди: "Янги йилингиз муборак бўлсин!"

Бундай самимий табрик, одамгарчиликдан сўнг Ёқуб Махмудовнинг кўнгли бузилиб кетди. Хаёлида она юрти Ўзбекистон, онаси, ёру-дўстлари жонланд. Уйда бўлганида яқинлари билан тўкин дастурхон атрофида бўларди. Ахир, эртага 1 январь унинг таваллуд толган куни-ку! У хору зорликда ўзининг 32 ёшини кутиб олаётгани, ноилоҳидан, душманга асир тушгани учун ичидан эзилиб, изтироб чекарди. Ниҳоят, қамокхона дарвозаси очилиб, уларни ичкарига, диқинафас, уч қаватли сўрилардан иборат катта-катта баракларга олиб киришди. Эрталаб эса, бир неча кундан бери биринчи марта маза-матрасиз суяқ атала тарқатишди, у ҳам етганга етди, етмаганга йўқ. Шундан кейин ҳаммани ташқарига олиб чиқиб, катта майдонда бир қатор сафга чизиб, киши иззат нафсини камситиб, ҳақоратлайдиган узундан-узоқ беъмани текширув, савол-жавоблар бошланди. Икки фашист зобити ҳар бир маҳбусни яланғоч қилиб, бошдан оёқ қузатар, қулоқ, бурнининг ҳажминини ўлчар, дам-бадам афтини бужмайтириб: "Комиссармисан? Евреймисан?" деб дўқ, дағдаға қиларди. Мабаддо уларнинг саволига "Ха" дегувчилар ёки шу гуруҳга шубҳа қилинувчилар топилса, дарров уларни ажратиб, гумдон қилишарди. Навбат Ёқуб Махмудовга келганда улар бир мuddат ўйланиб қолишди, қайта-қайта унинг юз тилишини, қисик кўзи, кирғий бурнига тикилиб, махсус асбобларда ўлчаб, ўзларича қарор қилишди: "Бу мўғул!" Шу-шу маҳбуслар ичида унинг лақаби

лар бўлса, марҳамат, олдинга чиқсин. Сизларни даволашга ҳамма шароитларни яратиб берамиз.

Бирин-кетин сафдан олти киши олдинга чиқди. Улар ичидан бизга таниш "мўғул" ҳам бор эди. Уни қамокхона врач қилиб тайинлашди. Ҳар кунги эрталаб уларни қатор қилиб, қуролланган соқилар назоратидан шаҳар касалхонасига олиб боришар, кечкурун эса, яна шу тахлитда қамокхонага келтиришарди. Ёқуб Махмудов бошчилигидаги врачларга ёққани шу бўлдики, иш шароити қанчалик оғир бўлмасин, улар фашистарнинг эмас, ўзимизникиларни даволашарди. Улар юкумли касалликка чалинган ҳар бир беморни алоҳида изолляторларга жойлаштириб, эшик тепасига "Эҳтиёт бўлинг, ич терлама!", "Ичбуруғ юкумли касаллик!" деган эслатма, ёзувларни ёпиштириб қўйишди. Бундан чўчиган фашистар бу атрофга умуман йўлашмас эди. Бу Ёқуб Махмудовга жуда қўл келди. У қамокхона маъмуриятининг ишончини бир қадар оқлаганидан сўнг, Клинци шаҳар бургомистри Грецкий билан учрашди, шаҳар полицияси бошлиғи Тихомировнинг ҳам унинг каби ўзимизникилардан, халқ қасоскорлари яширин ташкилотининг аъзолари эканлигини хабардор бўлиб, улар билан яқин алоқа ўрнатди, яширин топшириқлар олиб турди. У аввало ишни шу атрофдаги қишлоқлардан асирлар учун кийим-кечак, ордик-овқат билан ёрдам беришни ташкил қилишдан бошлади. Натижанда бошлагани иши кўзга қўрилиб, қамокхона маъмурияти олдига обрў, эътибор ошди. Шунинг учун ҳам у ўз талабларини дадиллик билан ўртага ташлади: — Соқчи назорати остидан ишга бориб, яна қамокхонада ётиш мен учун ҳақорат, — деди Ёқуб Махмудов бир кунги шаҳар комендантга масалани қатъий қўйиб. Ё менга шаҳарда эркин уруш ҳуқуқини беринглар, ёки...

Хуллас, унга шаҳарда фашистларнинг ҳарбий кийимида эр-



Архивдан

кин юриш ҳуқуқини беришди. У энди диқинафас қамокхонада эмас, Иван Степанович Резунов деган оддий дехқон хонадонидан ижарада яшай бошлади. У қоронғу кечаларда узоқ хаёл суриб, қамокдаги асирларни фақат даволаш эмас, балки тезроқ озод этиш йўллари излай бошлади, бу ҳақда очикдан-очик маслаҳатлаша бошлади. Чунки, улар халқ қасоскорларнинг ишончли вакиллари эдилар. Шу тариқа у Беларусия ўрмонларида кўпорувчилик ишларини олиб бораётган Шмякин бошчилигидаги "ВПЕРЁД" халқ қасоскорлари отряди билан яқин алоқа ўрнатди. Бунда ўзи қамокхонадан озод қилишга муваффақ бўлган ҳарбий асирларнинг ёрдамларига қаттиқ таянди. У асирларни озод қилишда Гитлернинг ўз вақтида чиқарган махсус буйруғидан мохирлик билан фойдаланди. Фюрернинг кўрсатмасида, асирликка олинган шахсларда сил, тутқаноқ касалликлари бўлган тақдирда қўйиб юборилиши шарт. Бу борада урушдан олдин сил касаллигига йўллик қан касаллардан олинган қон таҳлилиниг шаҳар касалхонаси поликлиникасида сақланаётганлиги жуда қўл келди. У бундай зарур ҳужжатларни тайин қилинган асирларнинг қон таҳлилига алмаштириб, уларнинг оғир меҳнат билан шуғулланишлари, қолаверса, Германияга жўнатилишларига очикдан-очик қаршилик кўрсата бошлади. Бундан шубҳа қила бошлаган фашистар ҳамма нарсанинг аниқ ҳужжат асосида эканлигидан бирор айб тополмас, қайтага доктор Махмудовнинг ўз касбига содик ва фидойилигига қойил қолишарди.

Бир кунги гестапо "ВПЕРЁД" отрядининг Буштак исмли алоқачисини қўлга туширди. У фашистларнинг қўноқларига бардош беролмай, доктор Махмудовнинг олдига кетаётганлиги, Ёқуб Махмудов халқ қасоскорларининг Клинци шаҳри ва қамокхонасидаги асосий одами эканлигини сотиб қўйди. Уша кунги кечкурун Резунов ва унинг уйда ижарада турган Ёқуб Мах-

мудовнинг қўлига кишан солиб, олиб кетишди.

Тўққиз кун қаттиқ қийноқлар билан тергов олиб борилгандан сўнг Ёқуб Махмудов, Шевцов, Халков, хуллас, жами 66 кишини осийга ҳукм чиқарилибди. 1943 йилнинг 23 сентябрида ўлим жазосига маҳкум этилганликлари ҳақидаги махсус темир жетонлар уларнинг бўйига осиб қўйилди. Кичик ҳўжрага қамалган қўли боғлиқ Ёқуб ўзи билмаган ҳолда тирноқлари билан деворга шу сўзларни аранг ёзишга улгурди: "Мен Ватаним, Ўзбекистон учун ҳалок бўлаяман. Махм..." Охири ҳарфларни ёзишга куч-мадори етмаганди унинг. Эртаси кунги отишга ҳукм этилганларни ўрмоннинг икки қатқирим нари-сига олиб чиқиди. Махкум этилганлар ўзаро келишиб, бирдан ҳар томонга қочишди. Автоматлар бегўтхот тариллади. Ёқуб Махмудов оёқларидан зўрга чопиб, ўзини ўрмон ичига урди, қуруқшаб ётган қангалзорга беҳол чўзилди. Софийск — Курузов ўрмонларида не-не қийинчиликлар билан халқ қасоскорларига қўшилиб, ўзи озод этган кўплаб қадрдон сафдошлар, жўмладан, Иван Степанович Резунов билан топишиб, ҳаракатлари зое етмаганидан беҳад қувонди. Унинг қимлиги, қанқалигини суриштириб ҳам ўтиришмади. Беларусия ўрмонларида 48-армиянинг контрразведкаси билан биргаликда маккор душманга қарши аёвсиз курашини мардонавор давом эттирди, Вязьма, Гомель, Бобруйск, Брест, Варшавани озод қилиш, Берлин учун бўлган машаққатли жангларда фаол қатнашди, ўзининг матонатли, жасоратли жанчи, касбига содик, фидокор инсон эканлигини яна бир бор намоиш этди.

У Клинци шаҳрида Резунов хонадонидан ижарада турганидан унинг қизи Лидияга кўнгли қўйган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзаро келишиб, турмуш қуришга қарор қилишди, урушдан сўнг ғалаба қўлиб, Ташкентга бирга қайтишди.

Матонатли инсон Ёқуб Махмудовнинг урушдан кейинги ҳаёти ҳам тинимсиз изланиш, янгилик яратиш, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишга бағишланди. У узоқ йиллар Ташкентдаги травматология ва ортопедия, қон қўйиш илмий-тектириш институтларида фаолият кўрсатди, кўплаб илмий мақолалар ёзди. 1967 йилда эса, "Ўрта Осий шароитида қўюлтирилган қонни оммавий тайёрлаш" деган мавзуда диссертация ёқлаб, тиббиёт фанлари номзооди бўлди. Жанговар рафиқаси Лидия Ивановна Махмудова билан 5 ажайиб фарзанд, кўплаб невараларни тарбиялаб, уларнинг севишли отаси, бобоси сифатида бахтли ҳаёт нашидасини сурди. Эр-хотин ҳар йили жанговар вишликлари ўтган тарихий жойларга бориб, қуролдошлари билан учрашиб туришарди. Энди бу сайру саёхатлар ҳам ўткинчи тушга айланди.

Искандар РАҲМОН,
Қуролли қучлар фахрийси.

МАҚСАД: «ТАМАКИСИЗ ҲАЁТ» САРИ

Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилиб, аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бундай эзгу мақсадли ишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг одилона сиёсати туфайли ижобий натижалар ўз ифодасини топмоқда.

Айниқса, соҳада ҳамкорлик борасидаги фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Жумладан, Ибн Сино жамоат фонди томонидан ҳам диққатга молик тадбирларнинг олиб борилаётганини халқимиз саломатлигини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, Ибн Сино жамоат фонди 2019-2020 йилларда Тамакига қарши кураш бўйича М. Блумберг халқаро фондининг "Тамакисиз ҳаёт" лойиҳаси грантига сазовор бўлди. Албатта, лойиҳа мавзусидан кўриниб турибдики, асосий мақсад инсон саломатлигига қаратилган. **Мазкур лойиҳага оиднилик киритиш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди раиси вазифасини бажарувчи Нозимхон МАХМУДОВ билан суҳбатда бўлди.**

— Албатта, мазкур лойиҳани кўлга киритиш осон бўлгани йўқ. Тамакига қарши кураш бўйича М. Блумберг халқаро фонди айтиш кунда 60 дан ортик давлатлар билан "Чекишга қарши кураш" лойиҳаси бўйича ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Эътирофлиси шундаки, мамлакатимизда илк бор ушбу лойиҳа бўйича Ибн Сино жамоат фондининг М. Блумберг халқаро фондининг грантини кўлга киритди. Айтиш жоизки, "Тамакисиз ҳаёт" лойиҳасига доир ҳамма муҳим ҳужжатлар инглиз тилида тайёрланди. Белгилан-

ган босқичлардан ўтиб, грант соҳиби бўлди. Айни пайтда мазкур лойиҳа жамоат фондимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳамкорлигида амалга ошириб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жорий йилнинг февраль ойидаги "Жамоат жойларида тамакидан холи бўлган



муҳитни яратиш бўйича қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш ҳақида"ги кўрсатма хатига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги "2019-2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги



қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан фондимиз билан ҳамкорликда жорий йилнинг 5-9 февраль кунлари Тошкент шаҳрида танлаб олинган жамоат жойларида тамакидан холи бўлган муҳитни яратишда қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан жамоатчилик назорати ва мониторингини ўтказиш режалари белгилаб олинди. Режага асосан 3-4 февраль кунлари Тошкент фармацевтика институтининг мажлислар залида Россия давлатидан ташир буюрган "Тамакисиз келажак" компаниясининг медиа координатори Александра Скацова ўқув машғулотларини олиб борди. Ушбу тренингда асосан Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиника ҳамширалари, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ходимлари, пойтахтимиздаги тиббиёт олий ўқув юрталари талабалари иштирок этди. Ижтимоий шерикчилик асосида

Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари ҳамда волонтерлар билан ҳамкорликда мониторинг олиб борилди. 3-9 февраль кунлари умум таълим мактабларида, 26-29 февраль кунлари жамоат жойлари яъни ресторан, кафе ва барларда мониторинг ўтказилди.

Олиб борилган назарий ва амалий фаолиятларга қисқача тўхталган бўлсанда, хулоса ўрнида айтишим жоизки, лойиҳанинг асосий мақсади биринчи навбатда ёшлар ўртасида, шунингдек, аҳолини тамаки маҳсулотлари ва иккиламчи тамаки тугунининг зарари тўғрисида хабардорлигини ошириш ва унинг саломатликка зарари

Ишончим комилки, мазкур лойиҳамизнинг ўта долзарблиги кўриниб турибди, шу боис, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази, Нодавлат ва ношароит ташкилотлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятларимиз давом этади.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА.

Актуальная тема

Людей, ведущих здоровый образ жизни, беспокоит насколько опасен кальян как для самого курильщика, так и для окружающих.

Сами любители этого способа затянуться доказывают безвредность курения кальяна.



Наносит ли кальян вред здоровью? Если очень коротко — кальян вреден для здоровья! К сожалению, многие люди считают курение кальяна безвредным развлечением.

Вред от курения кальяна есть, и он значителен

Это должно заставить любителей курить кальян задуматься. Ведь они вредят не только себе, но и здоровью окружающих их людей: друзей, детей, близких. Многие считают это безобидной компанией забавой. Они считают, что вред для здоровья от курения кальяна надуман. Главное их заблуждение состоит в том, что табачный дым в кальяне отфильтровывается водой, а значит курение таким способом безвредно.

Любой дым, возникающий из-за медленного тления, содержит

очень вредные вещества для человека. Это угарный газ, никотин, смолы, формальдегиды и тому подобные соединения. И их вдыхание однозначно вредит здоровью любого человека. **Просто пока организм молодой, проявление этого не так заметно.**

Любой табачный дым вызывает негативные изменения в организме. В том числе, влияет и на генетику. Хотя этот вопрос не изучен до конца, но вред от этой пагубной привычки может проявиться в будущих поколениях курильщика не лучшим образом. **Вредное воздействие курения кальяна может повлиять на здоровье детей, внуков или правнуков курильщика.** Поэтому каждый, приставившейся к этой пагубной привычке, должен задуматься о безответственности своего эгоистического пове-

НАНОСИТ ЛИ КАЛЪЯН ВРЕД ЗДОРОВЬЮ?

дения. **Курение кальяна — это не безвредная альтернатива курению сигарет!**

Проведенные исследования показали, что курильщики кальяна за час могут вдохнуть такое количество табачного дыма, которое имеется в 150-200 сигаретах. Министерство здравоохранения подтверждает, что даже после прохождения через воду кальянный дым содержит в большом количестве никотин, угарный газ, формальдегиды и другие вещества, способствующие развитию раковой опухоли. Вода в кальяне задерживает часть никотина. Но это не дает гарантии безопасного курения или появления зависимости.

Любой табак содержит никотин, вызывающий химическую зависимость. Он является главным регулятором потребности в табаке. Поэтому зависимый от никотина человек курит до тех пор, пока организм не получит привычную дозу этого яда. Чтобы удовлетворить никотиновый голод с помощью кальяна, нужно потратить минут 20-80.

Печальная статистика показывает, на сколько вреден кальян. Обычный курильщик, делая 10-12 затяжек, вдыхает около 0.5 литра табачного дыма. А при использовании кальяна приходится делать 50-200 затяжек. В каж-

дой такой затяжке до 1 литра дыма. Таким образом, любитель кальяна может за один прием вдохнуть дыма как при курении 100 сигарет.

Многие считают курение кальяна безвредным потому, что на этикетке табака для кальяна написано: содержание никотина 0.5%. Вроде бы это малая доза. Но если мы вспомним статистику, описанную выше, то доза может оказаться совсем другой. Начиная курить кальян за один сеанс может получить дозу никотина, вызывающую зависимость.

Кроме потребления никотина, при курении кальяна вы дышите угарным газом, солями тяжелых металлов и массой других канцерогенных веществ. Об этом прекрасно осведомлены производители кальянов, поэтому для безопасного курения предлагают модели мундштука с фильтрами из хлопка или активированного угля. Так же для безопасности этого развлечения вам предлагают добавить в воду кальяна специальные химикаты или углевые фильтры. Ни один из этих методов защиты не делает курение кальяна безопасным занятием. Вы рискуете в первую очередь своей сердечно-сосудистой и легочной системами. Кроме того, приставившись к кальяну, вы попадаете в группу

риска онкологических заболеваний. Кальян опасен для подростков, не куривших до этого. Он замачивает своим мягким вкусом, приятными ароматами. Сначала подросток и не замечает, как попадает в зависимость привычки. Это заманчивый путь к курению сигарет, а возможно, и наркотикам. К тому же, нынешняя молодежь приспособилась использовать кальян, заменяя воду алкоголем или табаком коноплей. Во многих мусульманских странах уже введен запрет на курение кальяна в общественных местах.

Всемирная организация здравоохранения всерьез обеспокоена модой курения кальяна. Ученые считают, что мнение будто вода сдерживает воздействие вредных веществ, ошибочно. Количество хрома, никеля, бериллия и кобальта в кальянном дыме больше, чем в дыме от сигарет. Курение кальяна является главным фактором распространения туберкулеза. Прежде чем последовать моде и начать курить кальян, подумайте о своем здоровье и пагубных последствиях.

Нозимхон МАХМУДОВ,
исполняющий обязанности
председателя правления
Общественного фонда
Ибн Сино.

ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИМИЗ СИЗЛАРГА

Хар йили саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент шаҳар 5-клиник шифохонасида даволаниб чиқаман. Тезда соғайиб оилам бағрига қайтишимда меҳнатларини аямаган муассасанинг тиббиёт ходимларига чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман. Бош шифокор Г. Кенжаева, ўринбосарлари Ф. Қосимова, О. Тўйчиева, солиқ қўмитаси қришдаги спорт ва соғломлаштириш мажмуасининг бош шифокори А. Маликов, даволочи шифокорим Ольга Кимларга алоҳида ташаккур билдираман. Шунингдек, асаб касалликлари бўлими мудири

Л. Фатхуллаева, хирургия бўлими бошлиғи К. Аҳоров, бош ҳамшира Л. Тожибова, интенсив терапия палата бошлиғи Т.Очилов, кардиолог Ш. Латипов, пархез ҳамшираси С. Хушвақтова, бош ошпаз С. Михайлюк, овқат таркатувчи М. Аҳорова, К. Алтибекова, интенсив терапия палата ҳамширалари М. Қобилова, И. Ковалева, З. Мирзақулова, Ф. Бойматова, катта ҳамшира М. Зуфарова, Л. Ақромжўзева, Г. Ортикова, фаррошлар Д. Усмонова, М. Зияева, М. Назарова, О. Султонова, М. Турсунбоева, Г. Шаинисова, М. Муслимова,

Ч. Шомуродова, физиотерапия бўлими бошлиғи Г. Умарова, катта ҳамшира З. Жамолова, ҳамшира З. Мирзаахмедова, уқаловчи ҳамшира М. Боймуродова, инструктор ЛФК Елена Сукорова, ҳамшира М. Эргашева, хўжалик бекаси И. Никифорова, қабулхона ҳамшираси З. Низамутдиноваларнинг курсатган сифтли тиббий хизматларидан ҳам миннатдор бўлиб, уларга самимий дил ихтиромини йўллайман. Жамоа ходимларининг ишларига ривож, ўзларига эса оилавий хотиржамлик тилайман.

И. ПЯГАЙ,
Тошкент шаҳар.



ПАМЯТКА

по профилактике коронавирусной инфекции

Профилактика коронавируса у человека в 2020 году – это комплекс мер, направленный на усиление защитных функций организма в борьбе с инфекцией. Специфической вакцины и лекарства от болезни до сих пор не разработали. Чтобы избежать заражения, важно соблюдать несложные правила профилактики коронавируса. Предрасположены к заболеванию: пожилые люди, маленькие дети, беременные женщины и люди, страдающие хроническими заболеваниями (астмой, диабетом, сердечно-сосудистыми заболеваниями), и с ослабленным иммунитетом.

ЧТО ДЕЛАТЬ ЕСЛИ В СЕМЬЕ КТО-ТО ЗАБОЛЕЛ

Вызовите врача.
Выделите больному отдельную комнату в доме. Если это невозможно, соблюдайте расстояние не менее 1 метра от больного.

Ограничьте до минимума контакт между больным и близкими, особенно детьми, пожилыми людьми и лицами, страдающими хроническими заболеваниями.

Часто проветривайте помещение.
Сохраняйте чистоту, как мож-

но чаще мойте и дезинфицируйте поверхности бытовыми моющими средствами.

Часто мойте руки с мылом.
Ухаживая за больным, прикрывайте рот и нос маской или другими защитными средствами (платком, шарфом и др.).

Ухаживать за больным должен только один член семьи. Расскажите детям о профилактике коронавируса. Объясните детям, как распространяются микробы, и почему важна хорошая гигиена рук и лица. Убедитесь, что у каждого в семье есть своё полотенце, напомните, что нельзя

делиться зубными щётками и другими предметами личной гигиены.

МОЖНО ЛИ ВЫЛЕЧИТЬ НОВЫЙ КОРОНАВИРУС?

Да, разумеется. Однако не существует специфического противовирусного препарата от нового коронавируса – так же, как нет специфического лечения от большинства других респираторных вирусов, вызывающих простудные заболевания. В случае развития пневмонии – лечение направлено на поддержание функции лёгких.

Пока эпидемия не подавлена, старайтесь не здороваться за руку и не целоваться при встрече с малознакомыми людьми. Эти нормальные меры профилактики коронавируса не должны восприниматься окружающими, как проявление пренебрежения. При соблюдении правил профилактики коронавируса риск заражения существенно снижается.

По материалам Интернета.

Коронавирус. Симптомы и меры предосторожности

Коронавирус – возбудитель острой респираторной вирусной инфекции. Передается воздушно-капельным путем, от человека к человеку. При заражении у большинства начинаются проблемы с дыханием и пищеварением.

Симптомы



Осложнения



Как уберечься от вируса



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақоалалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravoohraneniye Uzbekistana» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятдан келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март кунини рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1696 нуска.
Буюртма Г-350.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҲОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.